



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 30 ноябр, шанба №189 (1406)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Биз ҳаётимизнинг тинч ва осойишта ўтишини, фаровон ва осуда кечишини, фарзандларимиз - жондан азиз болаларимизнинг комил инсонлар бўлиб ўсишини, уларнинг келажидан кўнглимиз тўқ бўлишини истаймиз, шундай олижаноб умид ва орзулар билан яшаймиз.

ЮТУҚЛАР КАЛИТИ ОДАМЛАР ҒУРУРИНИ УЙҒОТИШ, УЛАРНИНГ САЛОҲИЯТИНИ, БАРЧА ИМКОНИАТЛАРНИ ИШГА СОЛИШДА

Илгари хабар қилинганидек, шу йил 28 ноябр куни халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Президент Ислам Каримов нутқ сўзлади. Қуйида ана шу нутқ баёни эълон қилинмоқда

Маълумки, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, айниқса, жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш сиёсати мамлакатимиз тарқиқоти учун янги-янги имкониятлар очмоқда. Бунинг билан, Сирдарё вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин, деди Ислам Каримов.

Бу ҳақда гап кетганда, аввало, вилоят меҳнатқашларининг мураккаб об-хаво шароитига қарамай, икки йилдан буён галла бўйича шартнома режасини бажариб келаётганини, шунингдек, жорий йилнинг 10 ойи давомида вилоятда саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми, гўшт, сут ва тухум етиштириш миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бирмунча ортиганини таъкидлаш лозим.

Бу ерда жорий йилнинг ўзида чет эл сармояси иштирокида 9 та қўшма корхона ташкил этилгани, уларнинг умумий сони 30 тага етгани ҳам амалга оширилаётган ислохотларнинг амалий натижасидан далolat беради.

Кейинги пайтда вилоятда катта ободончилик ишлари амалга оширилди. Биргина Гулистон шаҳрида бунёд этилган шинам турар-жойлар, янги спорт мажмуалари, кенг ва равшан йўллар ушбу навқирон шаҳар қиёфасини сезиларли даражада ўзгартириб юрди.

Айниқса, замонавий ва қадимий меъморлик аъналарини ўзида мужас-



самлаштирган «Маънавият ва маърифат» марказининг гўзал биноси, тиббий реабилитация маркази, 1 миң 200 ўқувчига мўлжалланган учта касб-хунар коллежи барпо этилгани, вилоятдаги бунёдкорлик ишлари кўламини яққол кўрсатиб турибди.

Бундан ташқари, лойиҳа қиймати 670 миллион сўм бўлган Деҳқонобод-Гулистон-Янгиер сув тармоғининг Ховос шаҳарчасига тортиладигани ҳам диққатга сазовордир. Бу лойиҳа тўла амалга ошган, ушбу худуд аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш масаласи тубдан яхшиланади.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин, деди Президент. Буларнинг барчаси чўл шароитида чи-

ниққан, шу заминга меҳр кўйган кўпмиллатли вилоят халқининг фидокорона меҳнати туфайли кўлга киритилмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгариш ва янгиликлар, хозирги замон олдимизга қўяётган вазифалар, иқтисодий тараққиёт, аввало, шу ерда яшаётган халқнинг талаб ва орзуларини инобатга олганда, вилоятдаги бугунги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатлари ортада қолаётгани аён бўлади.

Дарҳақиқат, Сирдарё вилоятини орқага тортаётган, унинг ривожини йўлида гов бўлиб турган камчилик ва нуқсонлар биринчи галда иқтисодий соҳасида кўзга ташланади.

Бугунги кунда вилоятдаги бир қатор йирик саноат корхоналари зарар билан ишламоқда. Бундай корхоналар томонидан кўрилган зарар миқдори шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида 2 миллиард 300 миллион сўмни ташкил этди. Энг ёмони, саноат корхоналари омборларида 2 миллиард 500 миллион сўмлик тайёр маҳсулот сотилмасдан ётибди.

Буларнинг барчаси вилоятда бозор муносабатларининг оддий тамойили - «Омбор учун эмас, истеъмолчи, харидор учун ишлаш керак» деган қоидага ҳанузгача амал қилинмаётганини кўрсатади.

Вилоятдаги ташкилот ва корхоналарнинг дебиторлик қарзлари 47 миллиард

сўмдан, кредиторлик қарзлари эса 100 миллиард сўмдан ошиб кетгани, бу кўрсаткич ой сайин ўсиб бораётгани ҳам бозор иқтисодиётига хос оддий тартиб ва талаблар бузилаётгани, ўзаро ҳисоб-китоблар ва шартнома муносабатларининг тўғри йўлга қўйилмагани оқибатидир.

Биламизки, ҳар қандай мамлакат ривожига унинг экспорт салоҳияти алоҳида ўрин тутади. Хорижий инвесторлар иқтисодиётга кўплаб жалб қилиниб, экспорт маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилмаса, дунё бозорига мустақам ҳали-ҳануз етмаётган валюта ҳисобидан ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш, ускуна, техника ва технологиялар-

ни янгилаш, ишчиларнинг ойланини ошириш масалалари ҳам ечилмасдан қолади.

Вилоятда ўз маҳсулотини экспорт қилувчи корхоналар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8 тага камайгани, экспорт бўйича прогноз дастурига киритилган 5 та йирик корхонадан 4 таси белгиланган кўрсаткичларни уқдалай олмагани бунинг исботидир.

Мирзаобод ва Меҳнатобод туманларида хорижий инвестициялар иштирокида бирорта ҳам корхона ташкил этилмагани эса айрим раҳбарларнинг бу борада ҳали-ҳануз ғафлат уйқусидан уйғонмаганини кўрсатади.

Афсуски, бундай муаммолар вилоят иқтисодиётининг

асоси бўлган қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам сақланиб қолмоқда, деди Юртбошимиз. Ишни тўғри ташкил эта билмаслик, ҳануз эскича қарашлар билан яшаш, янгиликка интилмаслик туфайли вилоятда қишлоқ ҳўжалиги сўнгги йилларда фақат зарар келтириб ишлайдиган соҳага айланиб қолди.

Этибор беринг, иқтисодий ночор ҳўжаликлар зиммасидаги қарзлар миқдори йил сайин ортиб бормоқда. 2000 йилда ҳўжаликлар 2 миллиард сўм зарар кўрган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич икки баробарга ортиб, 4 миллиард сўмни ташкил этган. 2002 йил якунини ҳисоблайдиган бўлсак, бу зарар миқдори янада ортади.

Хўлбуки, ҳўкумат қарорига асосан, бу соҳадаги қолқликка барҳам бериш мақсадида Мирзаобод ва Меҳнатобод туманларидаги зарар билан ишлаётган ҳўжаликлар неғизда фермер ҳўжаликлари уюшмалари тузилиб, уларга хизмат кўрсатувчи 16 та машина-трактор парк, 14 та минерал ўғитлар билан таъминлаш ва ёқилга қўйиш шохбаси, кичик банklar ташкил этилган эди.

Шунингдек, ерларнинг мелиоратив ҳўлати ёмонлашгани, бир қисм майдонларни шўр босганини инобатга олиб, республика ҳўкумати кейинги уч йилда вилоят бўйича давлат пахта сотиш шартнома режасини 60 миң тоннага камайтирганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Лекин, миңг афсуски, мана шундай кўрилган чора-тадбирлар ҳам ўз самарасини бермаётти.

Вилоятда давлатга пахта сотиш режаси кейинги уч йил мобайнида сурункасига 60 фоизда қолиб кетмоқда. Мирзаобод, Меҳнатобод, Оқолтин ва Шароф Рашидов туманларидан ҳосилдорлик 8-14 центнердан ошмаётганини ҳеч қандай сабаблар билан оқлаб бўлмайди.

Таҳрибада синалганки, ерга чигитни шундоқ қадаб қўйиб, унга ҳеч қандай ишлов бермасдан ҳам 8 центнердан ҳосил олиш мумкин. Пахта етиштиришга кетган харажатларни қоплаш учун эса ҳосилдорлик қадами 18 центнер

(Давоми 2-бетда)

МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

«Марказий Осиё ҳамкорлиги» (МОХ) ташкилотига аъзо мамлакатлар ишбилармон доираларининг бизнес-форуми ниҳоясига етди. У Тошкентда ўтказилгани бежиз эмас. Ўзбекистон ҳам худудий ўрни, ҳам мавжуд имкониятлари жиҳатдан минтақанинг маркази саналади. Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожини, хорижий сармоядорлар учун яратилган шароит, томонларга тенг манфаат келтирадиган иқтисодий ҳамкорликнинг давлат даражасида қўллаб-қувватланиши бу маконни янада мустаҳкамлайди.

Шу ўринда Тошкент иқтисодий форумининг юксак савияда ўтказилганини таъкидламоқ жоиз. Анжуман иштирокчиларининг бизнес-форум якунлари бўйича қабул қилган Мурожаатида ҳам шу жиҳат алоҳида таъкидланган. Унда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки вакилларининг, шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТБ) президенти Жан Лемьернинг иштирок этиши йирик халқаро сармоядорларнинг минтақда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиши ортиб бораётганидан далolat.

ЕТБ президенти ўз таширфининг якунлари бўйича журналистларга берган интервьюсида бизнес-форум минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим вазифа бўлишини таъкидлади.

Албатта, анжуманда илгари сурилган таклифлар, келишувларни молия институтларининг қўмағисиз амалга ошириш мушкул. Бу борада ЕТБ Бошқарувчилар кенгашининг 2003 йилги мажлиси май ойида Тошкентда ўтказилиши минтақа ишбилармонларига катта имконият яратиши табиий.

Минтақавий ҳамкорлик ва иқтисодий интеграциялашув жараёнини чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этадиган бизнес-форумни ҳар йили ўтказишга келишиб олинди.

Озод РАҲАБОВ,
Уза муҳбири.

Қонуний ҳақ-ҳуқуқини талаб қилган ходим раҳбарларга ҳўжаликнинг ички сирларини кўпга ошқор қилаётган бўлиб кўринди. Натижада тазйик бошланди. Узок йиллар мобайнида давом этган бу можаро Самарқанд вилоят касаба уюшмаларининг қатъияти туфайли республика Олий суди томонидан уқил-қесил ҳал қилиб берилди.

Воқеа бундай бўлган эди. Абдумалик Гафоров ўзи ишлаб турган Булунгур туманидаги «Бешкуби» ширкат ҳўжалиги раҳбарларига маъқул келмай қолганига анча бўлган. Аниқроғи, А.Гафоров 1987, 1988 йилларда ҳам ишдан ноқонуний бўшатилган ва анчайин елиб-югуришлардан кейин қайта тикланган. Аммо маъмурият ходимлари ўз хатоларини яшириш учун А.Гафоровга тегишли меҳнат дафтаридаги янги нуқсонини ёзаётганда эски ёзувларни қайд этишмаган.

Ўтган йилнинг сентябр ойида можаро бошқатдан бошланди. Ҳўжалик иқтисодчиси А.Шукуровнинг таклифига кўра штатлар қисқарганлиги рўқач қилиниб, ҳўжалик бошқарувининг 2001 йил 13 сентябрдаги қарори билан А.Гафоров вазифасидан яна ғайриқонуний бўшатилади. Бундан хабардор бўлишса-да на ҳўжалик ходимлар бўлими бошлиғи Н.Хидиров, на ҳўқуқшунос К.Гафоров ломим дейишмади. Бошқарув раиси Ш.Расуловга айна мана шу керак эди. Бироқ, А.Гафоров ҳам раҳбарнинг раийига қараб «кўргиллик эканда» дейдиганлардан эмасди. У Самарқанд вилоят АСМ ходимлари касаба уюшма қўмитасига, вилоят касаба уюшмалари Кенгашига мурожаат қилди. Текширувлар натижа-сида ҳўжалик раҳбарининг но-

РАҲБАР АДОЛАТЛИ БЎЛМАГАЧ...

қонуний ҳаракатлари аён бўлди. Бундан ташқари раҳбарлар томонидан А.Гафоровга ўтказилган тазйикнинг бошқа қирралари ҳам очилиб қолди. Бу орада фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро суди А.Гафоровнинг ноқонуний ишдан бўшатирилгани, мошдан қарзларни ва мажбурий ишламаган даври учун ҳақ ундириш тўғрисидаги даъвосини қаноатлантирди.

Таажубки, ҳўжалик мутасаддилари ён беришни хоҳлашмасди. Бошқарув раиси суд қарорини ижро этиш ўрнига деҳқонга тазйик ўтказишнинг янгича усулларини қўлади.

Дастлаб пудрат шартномасини бажармаганликда асосиз айблаб, А.Гафоровнинг хотинига жарима солишди. Аммо мутасадди ташкилотлар С.Гафорованинг айбисизлигини исботлаб беришди. Шундан кейин ҳўжалик раҳбарлари 2001 йил 28 апрелда сохта далолатнома тузиб, 85 тул эски тут дарахларини қесиб юборган, деган уйдирма билан пудратчи А.Гаф-

форовдан 191 250 сўм ундириб олиш ҳақида бошқарувнинг қарорини чиқаришди. Бунинг қарийб 40 миң сўмин иш ҳақи ҳисобидан чегириб қолишди. Кейинги текширувларда бу сох-

узоққа чўзилмади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати масалани қонун нуқтаи назаридан атрафлича ўрганиб, фуқаролик ишлари бўйича Жом-

лаш ҳақида қарор чиқарган бўлса-да, ҳўжалик раиси негадир уни янги ходим сифатида ишга қабул қилган. Яъни ҳўжалик бўйича чиқарилган 2002 йил 13 июндаги 18-қароридан А.Гафоровни «ишга тиклансин» эмас, «ишга қабул қилинсин» деб ёзилган. Бунга асос бўлган меҳнат шартномасида А.Гафоров иккита — «муҳандис-электрик» ва «техник-электрик» лавозимларига қабул қилинади, деб ёзилгани етмаганидек, синов муддати ҳам белгилаб қўйилган. Хўлбуки, аввалдан ишлаб келаётган ходим билан меҳнат шартномаси расмийлаштирилганда, ходим ишга тикланганда синов муддати белгиланмайди. Шунча хатоларга йўл қўйилганига қарамай тазйик давом эттирилмади. Ш.Расулов ҳўжалик касаба уюшма қўмитасига тақдимнома киритиб, А.Гафоров билан меҳнат шартномасини беқор қилишга розилик сўраган. Унга асос сифатида А.Гафоров 13,14,15,18 июн кунлари ишга сабабсиз келмаганлиги кўрсатилган. Афсус-надоматлар бўлсинки, 13 июн куни А.Гафоров билан меҳнат шартномаси имзоланган. 14 июнда эса ҳўжаликда ўтказилган текширишда «айбдор» ҳам қатнашган. Хуллас, раис бемаъни адоватни бир чекага суриб қўйиб, суд қарорига мувофиқ бир меҳнатқашнинг қонуний меҳнат ҳуқуқларини тиклаши ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Суднинг одиллиги, касаба уюшмаларининг қатъиятлиги туфайли тазйикча учраган меҳнатқаш қайта ўз ишига тикланди

нинг ҳал қилув қароридан А.Гафоровни ишга тиклаш, унга иш ҳақларини, мажбурий ишламаган кунлари учун ҳақ ва маънавий зарарни тўлаш зарурлиги белгилаб қўйилди. Минг бора таажубки, ҳўжалик раҳбарлари суд қарорини яна тан олишмади. Туман прокурори орқали протест киритиб, вилоят судида мазкур қарорнинг беқор қилинишига эришдилар. Фирром йўл тутганларнинг тантанаси

бой туманлараро судининг ҳал қилувчи қарорини ўзгаришсиз қолдирди.

Меҳнат муносабатларига оид мазкур можаро касаба уюшмаларининг қатъияти, суднинг одиллиги туфайли ижобий натижа билан тугади. Шундай бўлса-да баъзи ҳолатлар, уларнинг сабаб-оқибатлари хусусида мулоҳаза юритиш фойдадан холи бўлмас.

Аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни айтиш керак. Булунгур туманидаги «Бешкуби» ширкат ҳўжалигида меҳнат муносабатларига ва бунга оид ҳужжатларни расмийлаштиришга масъулиятсизлик билан қаралмоқда. Масалан, жамоа шартномаси, меҳнат ва пудрат шартномаларининг қўпи номигагина тузилган. Фуқароларнинг мурожаатлари, ходимларнинг ишга оид билдиргиларини рўйхатга олишда тартиб ўрнатилмаган. Ҳўжалик раиси Ш.Расулов «ноқулай ходим» А.Гафоровга атайлаб тазйик ўтказган. Қуйидагилардан бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Суд А.Гафоровни ишга тик-

Рустам ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» муҳбири.

Наманган вилоят солиқ хизмати ходимлари кейинги пайтларда барча турдаги солиқ ва йиғимларни ўз мuddатида ундириш, давлат даромадлари изчиллигини таъминлаш борасида кўпгина ишларни амалга оширишмоқда. Хусусан, Вазирлар Маъжасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда инкассатор гуруҳларига солиқ идоралари томонидан тегишли масъул ходимлар бириктирилиб, нақд пул тушуми ўз вақтида банк муассасаларига топширилмоқда.

Аҳоли билан нақд пул ҳисоб-китоб қилувчи савдо корхоналари, ташкилотларда ўтказилаётган текширишларда ҳам мазкур қарор бандларининг бажарилиши алоҳида назоратга олинган. Яқинда вилоят Давлат солиқ бошқармаси ходимлари томонидан Наманган шаҳридаги «Нотўқимачи» хиссадорлик жамиятида ўтказилган текширув даврида ушбу корхонанинг мансабдор шахслари томонидан 13 миллион 554 минг 486 сўм махсулот нақд пулга оид бордан тўғридан-тўғри харидорларга сотиб юборилганлиги аниқланди. Нақд пул белгиланган савдо қоидаларига биноан жамиятга қарашли 3 та савдо дўконларда мавжуд бўлган назорат-қасса машиналарига кириш қилиниши лозим эди. Ушбу ҳолат юзасидан тегишли иш чора кўриш учун Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш Департаментининг вилоят бошқармасига тақдим этилди.

ТАДБИРКОР ДАРОМАДИ

қонуний ва ҳалол бўлсин

махсулотлар билан тўлдириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркор ва ҳунармандлар фаолиятини жонлантириш борасида қатор қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Вазирлар Маъжасининг «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол махсулотларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорига сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бозорларимизни тартибга солишда энг асосий дастуриламал бўлмоқда. Ушбу меъёрий ҳужжатларни солиқ тўловчиларга ўз вақтида етказиш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бироқ, шунга қарамай ўтказилаётган текширишларда амалдаги қонунларни писанд қил-

Текширув нимани кўрсатди?

масдан, ноқонуний фаолият кўрсатётган, тадбиркор номига доғ тушираётганлар ҳам бор. Хусусан, йил бошидан буён вилоят бозорларида ўтказилган рейд-текширишлар давомида 1172 ҳолатда ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги аниқланди, «Зиллол» салқин ичимлиги куйиш учун рухсат олган бўлса-да, ноқонуний равишда бошқа махсулот ишлаб чиқарувчининг ёрлиғидан фойдаланган. Мазкур бинонинг бошқа хонасини ижарага олган сохта тадбиркор А.Абдурахимов эса доқа ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Уйчи тумани «Жийдакапа» қишлоқ фуқаролар йиғинида истикомат қилувчи Х.Тўйчиев ҳам ўз хонадонидан яширин равишда ўсимлик ёғи ва кунжара ишлаб чиқаришни йўлга қўйган экан. Ушбу ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, қонунбузар тегишли тартибда жавобгарликка тортилди. Бошқарма ходимлари қонунбузарларни жазолаш билан бир қаторда, тарғибот-ташвиқот масалаларига ҳам катта эътибор қаратмоқда. Солиқ қонунчилиги, тизимдаги янгилик ва ўзгаришларни солиқ тўловчиларга ўз вақтида етказиш мақсадида жонли мулоқотлар ташкил этилмоқда. Айниқса, жойларда ўтказилаётган ўқув-семинарлар, маҳаллий оммавий ахборот воситаларида мутахассислар томонидан қилинаётган чиқишлар ўз самарасини бермоқда.

Баҳодир НЕЪМАТОВ,
Наманган вилояти
Давлат солиқ
бошқармаси бошлиғи,
Соҳиба АЪЗАМОВА,
«Ишонч» мухбири.

Тахририятга хат

Сув танқислиги йилларида ҳўжалигимизга ҳам қийин бўлди. Ишлаб чиқаришнинг пировардида қутилган самарага эришолмагач, ҳал этилиши зарур масалалар йиғилиб қоларкан. Шунга қарамадан, ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари эътибордан четда қолмади.

БЕШ ТОННА БУҒДОЙ ногиронларга ҳадя этилди

Бу йилги жамоа шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқар эканмиз, меҳнатқашлар билан суҳбатларда кўп нарсаларнинг меҳнати натижасига боғлиқ эканлигини тушунтирдик. Аҳвол жиддий ўрганилди. Имкониётлар таҳлил қилинди. Кўпнинг фикри бизга иш йўналишини белгилаб берди. Жамоа шартномаси лойиҳаси муҳокамаси борасида билдирилган таклифларнинг аксарияти иш шaroитини янада яхшилаш ҳақида эди. Одамлар шунчаки талаб қилиб қолмасдан, балки унинг ечимини йўллари ҳақида ҳам фикр билдиришди. Энг муҳими, улар ишлаб чиқаришни ривожлантирмай, мақсадга эришиш қийинлигини англаб етишди.

Шу туфайли бултўр куздаёқ галла сифатли экилди, очик майдонлар чуқур шудгорланди. Деҳқон меҳнатига яраша барақа топти. Ҳўжалигимизда 1040 тонна галла, 895 тонна пахта, 12,2 тонна пилла етиштирилди. Бундан ташқари чорвачилик, сабзавотчиликдан ҳам яхшигина даромад олинди. Шунинг эвазига иш ҳақидан мавжуд қарзлар узилди. Илғорларга муқофот тариқасида 200 тоннадан зиёд галла тарқатилди. Қишлоқларимизда яшаётган ногиронларга 5 тоннадан зиёдроқ, мактабларга 3 тонна галла ҳадя қилинди. Ҳўжаликнинг кўп тармоқли бўлгани яхши албатта. Ишловчиларни иссиқ овқат, махсус озиқ-овқат билан таъминлашда ҳўжаликнинг ўзида бу махсулотлар етиштирилганлиги, арзонлиги айни мuddао бўлаётир. Шунингдек, зарурат туғилганда муҳтож хонадонларни қишлоқ ҳўжалик махсулотлари билан

таъминлаш имкони бор. Жорий йилда жамоа шартномасида белгиланганига кўра меҳнат муҳофазасига қарий 2 миллион сўм сарфланди. Шу ҳисобдан машина-трактор саройидаги иш шaroити тўлиқ яхшиланди. Махсус ҳимоя воситалари ва иш кийимлари сотиб олинди. Ҳўжаликда мавжуд 8 та шийпон талаб даражасида таъмирланиб, жиҳозланди. Дала шийпонларида телевизор, радио, совутичлар бор. Бир сўз билан айтганда, ҳавойи режалардан воз кечиб, халқ билан маслаҳатлашиб ишлаш кераклигини тушуниб етдик. Чунки кўпчиликнинг фикри хато бўлмади. Шу боис ҳўжалигимиз меҳнатқашларининг даромади ошиб бораёпти.

С. НАЗАРОВ,
Оқдарё туманидаги
«Ўзбекистон»
ширкат ҳўжалиги
қасаба уюшма
қўмитаси раиси.

ЮЗ БИЛАН

ЮЗЛАШАНЛАР
«Нуроний» жамғармасининг Фарғона вилоят бўлими Ўзбекистон Конституциясининг ўн йиллиги арафасида Фарғона ва Марғилон шаҳарларида истиқомат қилаётган ўз ва юз ёшдан ошган ўн етти нафар нуроний ҳолидан хабар олди. Уларга совға-саломлар топширилди. Вилоятда юз ёшдан ошган 353 нафар отахон ва онахон умргузаронлик қилмоқда. Уларнинг ҳолидан хабар олиш, байрам ва муборак кунларда йўқлаш аниқнага айланган. Ўзбекистон туманида бўлиб ўтган «Аср билан юзма-юз» деб номланган тадбирда қарияларга дастурхон ёзилди. Уларга 144 та ногиронлар аравачаси, икки юздан ортиқ эшитиш мосламалари, 83 та оёқ-қўл протезлари, кераклича кўлтиктаёқ, хасса, кўзойнак ва тиш протезлари етказиб берилди. «Қарияларни кадрлаш йили» давлат дастури доирасида 7 минг 635 нафар қарияга моддий ёрдам кўрсатилди, - дейди «Нуроний» жамғармаси Фарғона вилоят бўлими раиси Усмоножон Бегматов. - Вилоят солиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда саксондан ортиқ тиббиёт муассасасида «Нуронийлар хонаси» ташкил этилиб, уларда ҳозирча 4 минг 311 нафар қария даволанди.

ХОМАШЁ ЮЗ ФОИЗ ЎЗИМИЗДАН

Олмаликдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш биноларини очик акционерлик жамияти кимёгарлари фосфор ишлаб чиқаришда юз фоиз маҳаллий хомашёдан фойдаланишга ўтди. «Қизилкум» фосфорит комбинатидан ҳозир ойма 28-30 минг тонна фосфор хомашё келтирилиб, қайта ишланмоқда. Шу чоққа бундай хомашё қўшни Қозогистоннинг Қоратов қонидан қатта қийинчиликлар ҳисобига олиб келинар, шу боис таъминотда узилди-лар ҳам бўлиб турарди.

Жудая маъқул келмоқда, - дейди қорхона бош муҳандисининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Баҳодир Содиков. - Агар Қоратов хомашёси таркибидagi фойдали унсурлар ўртача 24,5 фоизни, ундан тайёрланган минерал ўғит таркибида 46 фоизни ташкил этган бўлса, Ўзимизникида бу 27 ва 48 фоизга тўғри келмоқда.

Хукумат қарорига биноан саноатни маҳаллийлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ишлаб чиқаришни бир маромда ташкил этиш, махсулот ҳажмини кўпайтиришда, айниқса қўл келмоқда. Рақамларга

мурожаат қиладиган бўлсак, Олмалик кимёгарлари йил бошидан буён 279,6 минг тонна сифатли минерал ўғит ишлаб чиқаришга муваффақ бўлишди. Бу қўлда тутилганидан қарий 60 минг тонна кўпдир. Қорхона эҳтиёжи учун зарур бўлган аммиакни Чирчиқдаги «Электросаноат» ишлаб чиқариш биноларига, сульфат қислотасининг асосий қисмини Олмалик қон-металлургия комбинати, олтингургунти эса Муборак газни қайта ишлаш қорхонаси етказиб бермоқда.

Томди туманидаги «Бирлик» ширкат ҳўжалигида жойлашган 8-сонли умумтаълим мактаби мазкур ширкат ҳўжалиги томонидан қайта таъмирланди. Айни пайтда ушбу таълим даргоҳида 402 нафар ўғил-қиз билим олмақда.

Суратда: компьютер хонасида.

С.ЗУФАРОВ (ЎЗА)
олган сурат.



Саволларингизга ТДЮИ ўқитувчиси Гулноза САТТОРОВА жавоб беради

САВОЛ: Мен мавсумий иш давомида қаттиқ шамоллаб қолдим. Вақт ўтиб бу хасталик зўрайиб мени меҳнатга қобилиятсиз қилиб қўйди. Ушбу касаллигим бўйича пенсия олишим мумкинми?

Н. МАМАТҚУЛОВ,
Зомин тумани.

бий текширишдан ўтказиш уларга яшаш жойидаги ёки бириктирилган даволаш-касаликнинг олдини олиш муассасаси (поликлиникаси) да, маскур ТМЭКга бириктирилган тегишли даволаш муассасасининг йўлланмасига биноан ўтказилади. ТМЭК га мурожаат қилиш учун куйидаги ҳужжатларни тақдим этиш керак. Паспорт ёки шахсни тасдиқловчи ҳужжат, даволаш муассасасининг (поликлиникаси) йўлланмаси (88 у - шакл), касаллик тарихидан кўчирма, меҳнат туси ва шароитлари ҳақидаги маълумотнома (38 банд).

ва Вазирлар Маъжасининг қарорлари ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш Вазирлиги ҳақида Молия Вазирлиги томонидан 588, 35-сонли қарор билан тасдиқлан-

февралда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш Вазирлиги ҳақида Молия Вазирлиги томонидан 588, 35-сонли қарор билан тасдиқлан-

САВОЛ: 2002 - 2005 йилгача қорхона қасаба уюшмаси ва иш берувчи ўртасида шартнома тузилган. Ушбу шартноманинг бажа-

меҳнат жамоаси, шунингдек Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигининг тегишли органлари (меҳнат инспекцияси) назорат қилиб борадилар. Жамоа шартномасини имзолаган шахслар ҳар йили ёки шартноманинг ўзида махсус кўрсатилган муддатларда мажбуриятларини бажарилиши ҳақида меҳнат жамоасининг умумий мажлисида ҳисобот бериб турадилар.

(лавозими)ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилади. Ходимларнинг йиллик асосий меҳнат таътили йил беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак (МК-нинг 134 моддаси).

ЖАВОБ: Амалдаги Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» ги қонунининг 15 моддасида айтилганидек, Меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотган шахслар ногиронлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга. Бу давлат пенсияларининг бир тури бўлиб, ногирон деб эътироф этилган ва меҳнат стажига эга бўлган шахсларга тайинланади.

Соғлигини ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига қараб, ногиронлик уч гуруҳга яникланади. (I, II, III)

САВОЛ: Мен II гуруҳ ногирониман. Ногиронлик пенсиясини ололмаман. Менга қандай имтиёзлар бор.

М. ҲАСАНОВ,
Ургут тумани.

ган ва ҳозирги кунда амалда бўлган «Ишлайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парваришлаш учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида» ги Низомнинг 3-бандида, болани парваришлаш учун нафақа оналарга ушбу нафақа тайинлашни сўраб мурожаат қилган ойдан бошлаб тайинланади, башарти ҳомилдорлик ва туғиш таътили тугаган бўлса.

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Т. СУЛТОНОВ,
Сурхондарё вилояти
Ангор тумани.

ЖАВОБ: Бундай шартнома жамоа шартномаси деб аталади ва қорхоналарда иш берувчи ва ходимлар ўртасида тузилади. Қасаба уюшмалари бунда қорхона ходимларининг вакили ҳисобланиб, ходимлар номидан иш берувчи билан музокаралар олиб боради ва жамоа шартномасини имзолайди. Жамоа шартномалари асосан ходимларнинг меҳнат қилиш шaroитларини яхшилаш, уларга ижтимоий-иқтисодий қулайликлар, имтиёзлар белгилаш мақсадида тузилади. Бундай шартномалар меъёрий тусга эга бўлиб қорхонада барча ишлаётган ходимлар учун бажарилиши мажбурийдир.

Меҳнат кодексининг 46 моддасига кўра, жамоа шартномасида назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида, иш жойи

Меҳнат Кодексининг 34 моддаси 3 - бандида, жамоа шартномасида белгиланган мажбуриятларни бузганлик ва бажармаганлик учун иш берувчининг манфаатини ифода этувчи шахсларнинг (яъни қорхона раҳбари) жавобгар бўлади. Улар деб айтилган ва уларга нисбатан асосан интизомий жазо чоралари кўрилади. Жамоа шартномасини бажармаганлик учун айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун юқори турдagi ташкилотга, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигининг меҳнат бўйича инспекция бўлимига, прокуратура ва бевосита судга мурожаат қилиш мумкин.

Меҳнат Кодексининг 282 моддасида барча ходимлар давлат йўли билан ижтимоий суғурта қилиниши лозим. Суғурта қилинган ходимлар, тегишли ҳолларда эса, уларнинг оилалари ҳам давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан бошқа тўловлар қаторида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари билан таъминланадилар (МК - 284 М)

САВОЛ: Мен II гуруҳ ногирониман. Ногиронлик пенсиясини ололмаман. Менга қандай имтиёзлар бор.

М. ҲАСАНОВ,
Ургут тумани.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари

САВОЛ: Бола икки ёшга тўлгунга қадар оналарга тўланадиган нафақа қайси пайтдан тайинланади?

А. АЛИМОВ,
Жиззах шахри.

ЖАВОБ: 2002 йил 18

Меҳнат Кодексининг 46 моддасига кўра, жамоа шартномасида назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида, иш жойи

САВОЛ: Ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга қайси тартибда меҳнат таътили ва вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади?

Ш. КУДРАТОВ,
Кўшрабод тумани.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 14 майда 1136 - сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган ва 2002 йил 24 майдан қўлга кирган Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг «Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомилдорлик ва туғиш бўйича нафақаларни ҳисоблаш тартиби» бўлимида нафақалар барча ҳолларда ходимнинг ҳақиқий бўлишида ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади. (49 банд).

Ушбу Низомнинг 38 бандида ТМЭК га мурожаат қилиш тартиби кўрсатилган бўлиб, унга кўра, тиббий - меҳнат эксперт комиссияларида фуқароларни тиб-



Меҳнат Кодексининг 274-моддасига биноан етказилган зарар ўрни қоплаш учун тўланадиган ҳақ миқдори мансабдор шахсининг уч ойлик маошидан ошиб кетмаслиги лозим.

Меҳнат Кодексининг 274-моддасига биноан етказилган зарар ўрни қоплаш учун тўланадиган ҳақ миқдори мансабдор шахсининг уч ойлик маошидан ошиб кетмаслиги лозим.

Меҳнат Кодексининг 274-моддасига биноан етказилган зарар ўрни қоплаш учун тўланадиган ҳақ миқдори мансабдор шахсининг уч ойлик маошидан ошиб кетмаслиги лозим.

«АРБАИН ҲАДИС»

ёхуд ҳикматлар дурдонаси

Ҳадис Ислом дини таълимоти бўйича Қуръони каримдан кейин турадиган иккинчи муқаддас манба бўлиб, Мухаммад пайгамбарнинг ҳаёти ва фаолияти, шунингдек, унинг диний ва ахлоқий кўрсатмаларини ўз ичига олади. Мухаммад пайгамбаримиз бирор гап айтган ёки бирор ишни қилган ёхуд бошқаларнинг ўзларича қилаётган ишларини кўриб уни ман этмаган бўлсалар, шу уч ҳолатнинг ҳар бири суннат ҳисобланади. Ана шундай хатти-ҳаракатлар ёки кўрсатмалар ҳақидаги ривоятлар ҳадис деб юритилади.

Ҳадислар жоҳилият замонида залолатга ботган қавмларни ҳидоят – тўғри йўлга солишда қандай муҳим рол ўйнаган бўлса, ундан кейинги даврларда ҳам мусулмонлар учун катта аҳамият касб этиб келмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ўз маърузаларининг бирида ҳадислар китоби ҳар бир раҳбарнинг иш столида бўлиши ва ундан фаолият давомида фойдаланиб туриш кераклигини таъкидлаган эдилар. Ҳақиқатда ҳам ҳадислар мусулмончилик қонун-қоидалари билан бирга умуминсоний одоб-ахлоқ қоидаларини ҳам ўз ичига олган. Ҳадислар аввал оғзаки ҳолда VIII милодий асрдан бошлаб халқ орасида ёзма равишда тарқала бошлади. Ҳадисларнинг саҳиҳ – ишончлилари ва заифлари ҳам бўлган. Уларни тўплашда ватандошимиз – Исмоил ал-Бухорий, Исо ат-Термизий ва бошқаларнинг хизматлари катта бўлган.

Араб тилида вужудга келган бу ҳадислардан аҷам мамлакатлари халқлари ҳам баҳраманд бўлиши учун улғу алломалар уларни ўз она тилларига ўғириб, халқларнинг маърифатларини кўтаришга ҳаракат қилганлар. Мовароуннаҳрда бу ишни улғу форс-тожик шоири Абдурахмон Жомий бошлаб берган. У 40 ҳадисни форс-тожик тилига ўғирган. Сиёҳи қуримасдан бошқа асарлари каби уни ҳам Алишер Навоийга ўқитиб, ўз мулоҳазаси билан ўртоклашишни сўраган. «Арбаин ҳадис»ни ўқиган улғу мутафаккир Алишер Навоий бу хайрли ишни давом эттириб, ўзбек тилига таржима қилган.

Манбаларнинг кўрсатишича, Мухаммад саллоллоху алайҳи васаллам ҳар доим: «Эй парвардигор! Менинг халифаларимга раҳм қил!» – деб дуо қилар эдилар. Шунда саҳоба кирилар «Сизнинг халифаларингиз кимлар!» – деб савол беришди. Ҳазрати Расули ақрам: «Менинг ҳадисимни ёдлаб халққа мазмунини етказган кишилар менинг халифамдир», – деб жавоб қайтарганлар. Шу маънода ҳадиси шарифлардан Навоий ҳазратлари ўзбек тилига ўғирганлардан айримлари юзасидан мулоҳаза юритишга ҳаракат қиламиз.

«Арбаин ҳадис»дан баъзи намуналар:
* Ал-услиму ман солимал-муслимина мин ядихи ва лисанихи. (Мазмуни: «Мусулмон-

лар бошқа кишининг қўли ва тилидан осойишта эканлар, демак у ҳақиқий мусулмондир».)

Ким мусулмонлиг айласа даъво, Чин эмас гар фидо қилур жонлар. Ул мусулмондир, солимдур Тилию илимдин мусулмонлар.

Турли фарзу суннат ақоидларни билган мусулмон киши бошқа одамларга қўли ва тили билан озор етказмаслиги керак.

***«Кимки одамларга раҳм-шафқат қилмаса, Тангри таоло ҳам унга раҳм-шафқат қилмайди».**

Тенгридин раҳм таъма қилсанг, Аввал ўлмоқ керак сен элга раҳим.

Ҳар кишиким улусқа раҳм этмас, Анга раҳим этмас қариму раҳим.

«Бисмиллоҳир роҳманир роҳим» калимаси «Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳнинг номи билан бошлайман» маъносини англатади. Ушбу калима «Маттаъул мақсуд» китобида ёзилишича, 700 йилда битилган экан. Ҳар бир ишни, Қуръоннинг сураи оятлари шу муборак калима билан бошлангани ҳамма мўминларга маълум.

Оллоҳнинг раҳм-шафқатидан умидвор кишилар, ўзгаларга меҳрибон ва раҳмли бўлиши керак. Алишер Навоийнинг буюк инсонпарварлиги шу калималарга бориб тақалади. Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» асарида адабиёт Амирнинг чопонларига илашиб қолган чумолини тезлик билан аср намозидан кейин таҳорат олган жойларига олиб бориб қўйганлари шундай ҳикоя қилинади.

Амир ҳар кун аср намозидан кейин одамлар билан суҳбатлашиб, намозга келолмаганларни суриштирар эканлар. Бир кунги тартиб одаб қилиб шойиб кетани эртаси сўрашганда ҳалиги чумоли ўз тўдасидан ажралиб қолмасин деб тезлик билан таҳорат олинган жойга олиб бориб қўйганликларини айтидилар. «Фил ўлса сени ҳоринг оламда бир пашага еткурман зарар» деб китобхонларига мурожаат қилдилар.

***«Саҳийлик фойда келтиради».**

Моли базл айла суд агар

тиласанг, Оқибат чун ўлму эрур мавжуд – Асрасанг қолур, улки базл этдинг Сенга ҳамроҳ борурдин эттинг суд

Саҳийлик шарқ шоирлари томонидан улғунди, баҳиллик эса қораланди. Оллоҳ бандаларига беҳисоб бойликлар беради. Агар у жойига, ўрнига, яъни бева-бечора, етим, фақир, мусофир мазлумлар эҳтиёжига сарflanса, ундан ҳосил бўлган савоб у билан охиригача бирга

кўргай. Шунинг учун ота-боболаримиз тонг саҳарлар далага чиқиб иш бошлаганлар. «Дехқонки дона сочар, дона сочмоқ ила ризқ йўлин очар» дейилган «Маҳбуб ул-қулуб»да. Пайгамбаримиз «деҳқоннинг қўлини шунинг учун ўлган эканлар»

***«Одамларнинг яхшиси одамларга манфаат келтирганидир».**

Халқ аро яхшироқ дединг кимдур? Эшитиб, айла шубҳа рафъ



«АСЛ СИЁҲ» ТАРИХИДАН

«Перо билан ёзилганни болта билан чопмайсан» деган маколда жон бор, дейдиганлар кўп эди илгари. Бирок, бу маколнинг мазмуни сиёҳга нисбатан ўзини оқламади. Чунки, юқорида айтиб ўтилганидек, сиёҳнинг «кучи» кўпга бормай матндан ўчиб кетган.

Сиёҳ тайёрлашда ягона ишончли усулни олим Берцелиус таклиф қилган. Унинг усули бўйича сиёҳ зангори тусли сандал дарахтининг шарбати қайнатмасига аммоний ванадий тузи қўшиб тайёрланди. Бундай сиёҳда ёзилган матни фақат қозғ билангина йўқ қилиш мумкин.

Булардан ташқари, ёзилган хати кўзга кўринмайдиган сиёҳлар ишлаш усуллари ҳам бўлган. Симпатик деб аталувчи, яъни қиздирилганда ёки махсус модда билан ҳўлланганда кўзга кўринадиган рангсиз сиёҳ шулар жумласидандир.

Бундай махфий сиёҳлар ишлаб чиқариш илк рецепти дастлаб 1653 йили П.Борелнинг Парижда босилиб чиққан асарида баён қилинган эди. Борел ўз усулида кўррошин шақари ҳоссадан фойдаланган. Шу йўл билан ҳосил қилинган сиёҳда ёзилган кўринмас ёзувга водород сульфид таъсир эттирилса, ёзув кўзга кўринади.

Шобальт ва никельнинг хлорид тузалари ҳоссалари асосида ҳам махфий хат ёзишда ишлатилган сиёҳ хиллари ҳосил қилинган.

XX асрнинг биринчи ярмида кишилар сиёҳнинг алоҳида тури бўлмиш элик пастаси ва сал кейинроқ эса шарикли авторучкалар юзага келишининг шохиди бўлишди.

Тўғри, шарикли ручкалар ўз ўтмишдошларини бирдангина суриб чиқара олмади. Мактабга тўқилмайдиган сиёҳдонлар олиб бориш одаб бўлган вақтларни бир эсланг. У вақтларда темирдан ясалган перолар жуда кўп эди.

Шарикли авторучканинг кенг миқёсда расм бўлиши билан кишиликнинг энг оддий ва айна замонада энг буюк ихтироларидан бири бўлмиш суяқ сиёҳнинг доимий ўзгармас хизмати тугади. Бу ҳол вақт жиҳатидан қосмосни ўзлаштиришнинг бошланғичи тўри келди. Суяқ сиёҳ қосмос шароитида қўл келмас-да, ерда ўз хизмати олами оқибати ҳамон давом эттираётди.

А.АЛИЕВ.

Янгиўл туман халқ таълими бўлимига қарашли Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг думалоқ муҳри ва тўрт бурчлик штампни йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



андин. Яхшироқ бил ани улус ароким, Етса кўпроқ улукса нафъ андин.

Ёки: **Одами эрсанг демагил одами Оналиким йўқ, халқ ғами-ю дин ғами.**

***«Жаннат оналарингизнинг оёғи остидадур».**

Аноларнинг оёғи остидадур, Равзаи жаннату жанон боғи. Равза боғин висолин истар эсанг, Ёл анолар оёғин туфроғи.

«У дунёнинг жаннатидан кўра, ҳозир, шу дамда ҳаёт бўлиб юрган ота-оналаримизни эъзолашимиз; қадрига етишимиз керак» дейилган.

***«Илмда бахиллик бўлмайди» ёки «Илим олиш ҳар бир муслими ва муслимага фарз».** «Бешикдан то қабргача илм олинг» дейилади ҳадисларнинг бирида. Лекин олган билимдан эл-юрт, қўни-қўшни манфаат кўраман, менга ҳам ўргатинг, деса бахиллик қилиш ярамайди. Навоий:

Хунарни асробон неткумдур охир, Олиб тупроқками кетгумдир охир.

Ҳасанхўжа МУҲАММАДХўЖА ўғли, доцент.

Кураш «МАҲАЛЛАМИЗ ПАҲЛАВОНЛАРИ»

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси мамлакатимиздаги турли вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳоли орасида курашнинг янада оммавийлаштириш, ёшларни жисмонан бақувват, мустақкам иродали, ҳар томонлама етук инсонлар сифатида тарбиялаш, иқтидорли полвонларни аниқлаш мақсадида болалар ўртасида «Маҳалла» паҳлавонлари» республика турнирини ташкил қилди.

«Маҳалла» паҳлавонлари» турнирини беш минг етти юз ўн етти маҳаллада бошлаган юз мингдан зиёд ўғил-қиздан тўрт юз нафарга яқин энг абжир, чаққон, кучли ва маҳоратлиси якуний босқичга етиб келди.

Тошкент шаҳридаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида «Маҳалла» паҳлавонлари» турнири якунловчи мусобақаларининг очилиш маросими бўлди.

Муҳташам спорт мажмуида ўтказилаётган мазкур турнирда иштирок этаётган болалардан келажакда машҳур кураш усталари етишиб чиқади, деди Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви раиси А.Ғадоёбоев тадбирни очар экан. - Улар вақти келиб жаҳон майдонларида юртимиз байроғини сарбаланд этишади.

Ўзбек курашининг тарихи жуда чуқур, деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов. - Истиқлол йилларида миллий қадриятимиз бўлган курашни оммавийлаштиришда, ривожлантиришда, дунёга олиб чиқишда давлатимиз раҳбари томонидан катта эътибор қаратилди. Бунинг натижаси ўлароқ, жаҳоннинг турли бурчакларида ўтказилаётган мусобақаларда «халол», «кураш», «ёнбош» каби ўзбекча иборалар янграмоқда. Кураш маънавий баркамолликка, жисмоний бақувватликка ундайдиган фазилатларга эга. Зеро, паҳлавонлар ҳалол, танти, мард, бағрикенг бўлишиди. (ЎЗА).

ПАРИЖЛИКЛАР ҲАЙРАТИ

Франция пойтахти Парижда ўтказилган халқ хунарамандлари халқроқ кўргазмасида Бухородаги «Зардўз» акциядорлик жамияти ўз махсулотларини намойиш этди. — Кўргазмада Италия, Греция, Жазаир, Франция, Тунис ва бошқа мамлакатларнинг усталари тайёрлаган махсулотлар намойиш этилди, деди «Зардўз» АЖ раиси Маҳфуза Салимова «Туркистон-пресс» мухбирига. — Кўргазма қатнашчилари ва мутахассислар ўзбек зардўзлик буюмларининг сифатли ва бежиримлигидан ҳайратга тушишди. Кўргазмада зардўзи гил-лавлар, панно, миллий кийим-кечаклар намойиш этилди. Томошабинларда минаторлар ва лак ўймақорлиги, сопол ранг-тасвири, ёғоч ўймақорлиги буюмлари катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистонликлар совға сифатида кўргазма ташкилотчиларига зарбоф тўн кийгишди.

Бу воқеа Қора денгиз бўйида дам олаётганимда юз берган. Курорт шахрига ҳос бўлганидек ҳар кадамда одам. Беқатда автобус кутаётганим. Улардан бири келиб тўхтагач, эшиги очилди-ю, йўловчилар гуриллаб тушишди. Энг охирида узун, қопқора қулқоқлар шалпайиб пастга осилган кўппак кўринди.

Одамлар орасидан сирғалиб ўтиб денгиз тарафга қараб чопди. — Қизиқ, эгаси кўринмайди-ку, қанақа қилиб чиқиб олдики автобусга, — дедим ёнимдаги йўловчиларга.

Кўзойнақ таққан кекса киши мийиғида кулди: — Бугун кун нима? — Жума. Хўш? — Сухбатдошим ҳамон жилмайиб турарди. — Ит бизнинг маҳалладан, бу ердан ўттиз чақиримча чамаси олисда. Ҳар жума кун сафарга чиқишга одатланган.

— Нега? — хайрон бўлиб сўрадим. — Маҳалламиздаги ошхона шу кун ишла-

майди. Бечора ит бугун ризкинни сохилдан топди. — Қайтишда-чи? Ахир, автобус ёзувини ўқишга саводи бўлмаса керак.

Шунча масофадан маҳаллани топиб бора олармикан? Шеригимнинг кўзлари кўзойнақ ортидан айёрон ачақнади. — Ҳозирги замон жониворларининг ҳам ақли чаккис. Автобусдан тушаётганида менга қараб саломлашгандек мўлтираганлигини пайкамдингизми? Маҳалладагиларнинг барчаси-ни танийди. Кун охири қаёқдандир кўмирдек қопқора зотдор ит пайдо бўлди. Олдинига ақдироқ бўлса, йўлов-

ортидан эргашиб ўриндиклар орасига ўзини уради. Ёнингиздан қандай ўтганлигини пайқаммай ҳам қоласиз. Тушаётганида ҳам ҳалиги йўловчини кутиб туради.

Менга зарур автобус келавермади. Шеригим чиларга эргашиб нариди томонга ўчмоқчидир деб ўйладим. Лекин мени танг қолдириб йўл бошловчидек олдимга тушди. Мендан икки қадамча илгариллаб кетарди. Ўртага етганимизда кизил чирок ёниб қолди-ку! Ит энди ада-

БЕКАТДА

сўзамолгина экан. Мен унинг гапларига ишониб-ишонмай турганимни кўриб янги мисолни рўпара қилди: — Утган ёз Маскваша боримизга тўғри келди. Сизга айтсам, эртаққа ўхшашлиги мумкин, аммо бор гап. Бош кўргазма олдида йўлни кесиб ўтаётганим. Светофорнинг яшил чирок ёниши билан қаёқдандир кўмирдек қопқора зотдор ит пайдо бўлди. Олдинига ақдироқ бўлса, йўлов-

Жониворлар ҳаётидан

очилди. Уч кишидан сўнг тўрт оёқли шеримиз жой олди. Мен танг қолганимча итни кузатардим. Қайси қаватга кўтарилмоқчи? Қаердан келаяпти ва қаерга бормоқчи?

Лифтни саргимтил чирокни ўзини қаватни кўрсатганида эшик шарақлади. Бесўнақай қарзинга тутган миттигина кампир ўрнидан кўзгалганида ит ҳам лип этиб ўзини ташқарига урди. Ёнимдаги аёлнинг уқтиришича эгаси гоёт кекса бўлиб ит ҳар кун икки маҳал пастга тушиб сайр қилар экан. У ҳам худди автобусда денгиз бўйига овқатланишга борган қариндошининг усули асосида иш тутаркан. Ўз қаватида яшовчиларга эргашиб кундалик машғулоти давом эттираркан.

Обиджон **ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.**

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимуҳжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлими 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 02.50

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.